

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2011 йил 7 январдаги ПҚ-1464-сон** қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган ислоҳотлар кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича **2011-2015** йилларга мўлжалланган тадбирлари Дастури” нинг **7-бандига** асосан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши раиси, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига ҳар ҳафтанинг “**Жума**” куни тадбиркорлик субъектларининг шикоятлари ва муаммоларини амалда ечилишини таъминлашга қаратилган “**Тадбиркорлар куни**” ни ўтказиш, кичик бизнес фаолиятига ноқонуний аралашувларга йўл қўйган шахсларга нисбатан чоралар кўриш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор бериш, ҳокимлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг шикоят ва муаммоларини ҳақиқатда ҳал этилиши бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Навоий вилояти ҳудудий бошқаримасига ҳар ойнинг 25-санасигача маълумот тақдим этиб бориши тўғрисида топшириқ берилган. Навоий вилояти ҳокимининг 2011 йил 11 февралдаги **Ф-8** сонли фармойиши билан Туман ва шаҳар ҳокимлари томонидан ҳар ҳафтанинг “Жума” куни ўтказиладиган “Тадбиркорлар куни” ни тадбирини ўтказилиши мониторинги олиб бориш Савдо-саноат палатаси Навоий вилояти ҳудудий бошқармасига юклатилган